Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ***
**к договору (контракту) от 13.10.2022 г. № 13**
**между CHINOZ SARVAR FAYZ МЧЖ и Янгийул шахар Ободонлаштириш бошкармаси на общую сумму 649255650,00**

Глава 110

Казначейский лицевой счёт 100022860274247045201110002

(в сумах)

| **Наименование месяцев 2022 г.** | **Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)** | | | **Всего** |
|---|---|---|---|---|
| | **4233100** | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | 649 255 650,00 | | | 649 255 650,00 |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **649 255 650,00** | | | **649 255 650,00** |

Всего 649255650,00 сум

Шестьсот сорок девять миллионов двести пятьдесят пять тысяч шестьсот пятьдесят сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 194 776 695,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора
подлежат предоплате в октябре_ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ (подпись) С.А.Халдаров Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ (подпись) С.Мустафаева Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________ (подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика ____________ (подпись)

«___» ________________ 20___г.

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 13**
**(Қурилиш, таъмирлаш ҳақида)**

**Янгийўл ш** "13" октябр 2022 йил.

Кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб юритиладиган Янгийўл шаҳар **"Ободонлаштириш бошқармаси"** номидан Низом асосида иш кўрувчи **Халдаров С.А.** бир томондан ва кейинги ўринларда **"Пудратчи"** деб юритиладиган **" CHINOZ SARVAR FAYZ" МЧЖ** номидан Низом асосида иш кўрувчи **Хасанбоев А** томонидан 2022 йил 07 октябрдаги № 156838- лот электрон протоколига асосан Янгийўл шахридаги **"Мевазор, Мезон, Наврўз, Олтинобод, Файзли МФЙ ички кўчаларини асфалтлаш"** бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилиши (таъмирланиши)га ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш (таъмирлаш) майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш (таъмирлаш) майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш (таъмирлаш) майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Янгийўл шахридаги **"Мевазор, Мезон, Наврўз, Олтинобод, Файзли МФЙ ички кўчаларини асфалтлаш "** бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажаришга смета лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **649 255 650 (Олти юз қирк тўққиз миллион икки юз эллик беш минг олти юз эллик** ) сумни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш (таъмирлаш) қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши (таъмирланиши) бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш (таъмирлаш) майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш (таъмирлаш) майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш (таъмирлаш) майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш (таъмирлаш) таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш (таъмирлаш) майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш (таъмирлаш) майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**8.** Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**9.** Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш (таъмирлаш) майдонини объект қурилиши (таъмирланиши) ва қурилиш (таъмирлаш) тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

**10.** Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

**11.** Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилиш (таъмирлаш)нинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

**12.** Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

**13.** Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида, аванс ўтказади, бу **194 776 695 (Бир юз тўқсон тўрт миллион етти юз етмиш олти минг олти юз тўқсон беш )** сўмни ташкил этади.

**14.** Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

**15.** Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

**16.** Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

**17.** Буюртмачи қурилиш (таъмирлаш) майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

**18.** Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

**19.** Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш (таъмирлаш) майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

**20.** Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

**21.** Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

**22.** Қурилиш (таъмирлаш) майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

**23.** Буюртмачи қурилиш (таъмирлаш) майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш (таъмирлаш) ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

**24.** Буюртмачи қурилиш (таъмирлаш) майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш (таъмирлаш) майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

**25.** Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

**26.** Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

**27.** Қурилиш (таъмирлаш) майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

**28.** Пудратчи ўзи томонидан қурилиш (таъмирлаш)да қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

**29.** Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

**30.** Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

**31.** Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

**32.** Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш (таъмирлаш) сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

**33.** Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш (таъмирлаш) қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

**34.** Пудратчи қурилиш (таъмирлаш) майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш (таъмирлаш) даврида майдондан қурилиш (таъмирлаш) ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

**35.** Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар,

асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиш (таъмирлаш)ни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

**36.** Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш (таъмирлаш) тугаллангунгача ва қурилиши (таъмири) тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш (таъмирлаш) майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

**37.** Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

**38.** Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

**39.** Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ҚУРИЛИШИ (ТАЪМИРИ) ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

**40.** Қурилиши (таъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши (таъмири) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

**41.** Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

**42.** Пудратчи қурилиши (таъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

**43.** Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

**44.** Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш (таъмирлаш) учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

**45.** Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши (таъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 3 ой этиб белгиланади.

**46.** Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

**47.** Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Даврхитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

**48.** Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилиш (таъмирлаш)нинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**49.** Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**50.** Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш (таъмирлаш) бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

**51.** Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

**52.** Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

**53.** Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

**54.** Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

**55.** Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

**56.** Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

**57.** Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

**58.** Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

**59.** Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

**60.** Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

**61.** Пудратчи қурилиш (таъмирлаш) объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

**62.** Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

**63.** Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

**64.** Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш (таъмирлаш) майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш (таъмирлаш) майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

**65.** Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

**66.** Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

**67.** Шартнома Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олингандан сўнг юридик кучга эга бўлади ва 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

## XVII. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

68. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупсия характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваʼда қилиш, таʼмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти‒ҳаракатлари/ҳаракацизликларини содир этмайдилар.
- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракацизликлар бажарилишини таʼминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маʼлум қиладилар.

69. Томонда ушбу Шартноманинг 68-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупсия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса - амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| <u>Буюртмачи:</u> | <u>Пудратчи:</u> |
|---|---|
| **Ободонлаштириш бошқармаси** | **" CHINOZ SARVAR FAYZ" МЧЖ** |
| Адрес: Нодирабегим кўча 226 уй | Тошкент вил. Чиноз тумани Порлок кўчаси 10уй |
| Р/С 23402000300100001010 | Р/с. 2020 8000 4003 4927 7001 |
| л/с: 100022860274247045201110002 | Тошкент вилояти Чиноз халк банки АТБ Чиноз филиали |
| ОКОНХ: 90211 ИНН 207268390 | МФО 00780 ИНН 302 945 855 |
| Янгийўл шахар Ғазначилик бўлими | ОКЭД 41201 Телефон: +99895 160 40 00 |
| Тош. шаҳ. Марказий Банк Тош. Вил. | |
| ХККМ МФО 00014 ИНН 201122919 | |
| Бошқарама бошлиғи_______________ Халдаров С.А | Директор_______________ Хасанбоев.А |
| М.Ў. | М.Ў. |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

HE5881861843

**1.** Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **Mevazor, Mezon, Navro‘z, Oltinobod,Fayzli MFY ichki ko‘chalarini asfaltlash**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: YANGIYO'L SHAHAR OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 11.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yangiyo‘l shaxar yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**M.M.ISLAMOV**

12.10.2022

**IJRO.GOV.UZ**

Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

| | |
|---|---|
| Imzolovchi F.I.SH. | SARDOR XALDAROV ASKARALIYEVICH |
| Imzolangan sana | 13.10.2022 10:07 |
| Hujjat kodi | **GI4574326225** |
| Hulosa kodi | **HE5881861843** |
| Shartnoma raqami | **519-10-196-OB/2022** |

2823

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"CHINOZ SARVAR FAYZ" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"CHINOZ SARVAR FAYZ" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

13.05.2014 305 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 302945855

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Chinoz tumani, Chinoz, Йултушган,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Chinoz tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 156838 на приобретение Мевазор, Мезон, Навруз, Олтинобод, Файзли МФЙ ички кучаларини асфалтлаш

Способ проведения электронный

Дата 07.10.2022

Время рассмотрения 07.10.2022 16:48

Закупочная комиссия Янгийул шахар Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XALDAROV SARDOR ASKARALIYEVICH | Бош инжинер | Ободонлаштириш |
| **Секретарь комиссии** | KURSEITOVA ZAREMA VISOVNA | Иктисодчи | Ободонлаштириш |
| **Член комиссии** | MAXAMATDJANOV FURKAT SHUXRATOVICH | IOS bo'lim boshligi | Obodonlashtirish |
| **Член комиссии** | MIRZAYEV AKMAL ABDUVALIYEVICH | OSBB boshligi | ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | SADOVNICHAYA VIKTORIYA VLADIMIROVNA | участка устаси | Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | YAKUBOVA TURG'UNOY RAVSHAN QIZI | бош мухандис | Ободонлаштириш бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.10.2022 года № лота 156838.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 140

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог** |
| Подробное описание | Мевазор, Мезон, Навруз, Олтинобод, Файзли МФЙ ички кучаларини асфалтлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 683 427 000.00 |
| Стартовая сумма | 683 427 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО CHINOZ SARVAR FAYZ** | 20 | 649255650 с учетом НДС | 20 | Экспертная | | |
| **MEHNATKASH МЧЖ** | 20 | 622541874 | 20 | Экспертная | | |
| **"LAURA STAR" ХК** | 20 | Иш тажрибаси хакида маълумот | 20 | Экспертная | | |
| **"BEK-TO'RA SULTON" MCHJ** | 20 | 649255650 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО CHINOZ SARVAR FAYZ** | 20 | 649255650 с учетом НДС | 20 | Экспертная | | |
| **MEHNATKASH МЧЖ** | 20 | 622541874 | 20 | Экспертная | | |
| **"LAURA STAR" ХК** | 20 | Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи | 20 | Экспертная | | |
| **"BEK-TO'RA SULTON" MCHJ** | 20 | 649255650 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 инсофсиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маьлумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: инсофсиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маьлумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО CHINOZ SARVAR FAYZ** | 20 | 649255650 с учетом НДС | 20 | Экспертная | | |
| **MEHNATKASH МЧЖ** | 20 | 622541874 | 20 | Экспертная | | |
| **"LAURA STAR" ХК** | 20 | Инсофсиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маьлумотнома | 15 | Экспертная | | |
| **"BEK-TO'RA SULTON" MCHJ** | 20 | 649255650 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати, (таъмирлаш ишлари муддати 30 кун)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО CHINOZ SARVAR FAYZ** | 20 | 649255650 с учетом НДС | 20 | Экспертная | | |
| **MEHNATKASH МЧЖ** | 20 | 622541874 | 20 | Экспертная | | |
| **"LAURA STAR" ХК** | 20 | Кафолат хати | 20 | Экспертная | | |
| **"BEK-TO'RA SULTON" MCHJ** | 20 | 649255650 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги, жумладан: 1. Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан кам бўлмаган бортли ўзиағдарувчилар - 2 дона; 2. Асфальтётқизгич кенглиги 6,5 метргача - 1 дона; 3. Ҳар хил йўл зичлагичлар - 2 дона (бир хил зичлагичлар 1 та ҳисобига саналади); 4. Автогрейдер -1 дона; 5. Ювиш машинаси– 1 дона (ижара асосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 6. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО CHINOZ SARVAR FAYZ** | 20 | 649255650 с учетом НДС | 20 | Экспертная | | |
| **MEHNATKASH МЧЖ** | 20 | 622541874 | 20 | Экспертная | | |
| **"LAURA STAR" ХК** | 20 | Машина ва механизмлар руйхати | 20 | Экспертная | | |
| **"BEK-TO'RA SULTON" MCHJ** | 20 | 649255650 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №6 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 1- шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). 3. Ишлаб чикариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги. 5. Мехнатни мухофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО CHINOZ SARVAR FAYZ** | 20 | 649255650 с учетом НДС | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MEHNATKASH МЧЖ** | 20 | 622541874 | 20 | Экспертная | | |
| **"LAURA STAR" ХК** | 20 | Танлов иштирокчиси хакида умумий маълумотлар | 20 | Экспертная | | |
| **"BEK-TO'RA SULTON" MCHJ** | 20 | 649255650 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №7 ДСИ дан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: ДСИ дан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО CHINOZ SARVAR FAYZ** | 20 | 649255650 с учетом НДС | 20 | Экспертная | | |
| **MEHNATKASH МЧЖ** | 20 | 622541874 | 10 | Экспертная | | |
| **"LAURA STAR" ХК** | 20 | ДСИ дан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот. | 20 | Экспертная | | |
| **"BEK-TO'RA SULTON" MCHJ** | 20 | 649255650 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №8 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО CHINOZ SARVAR FAYZ** | 20 | 649255650 с учетом НДС | 20 | Экспертная | | |
| **MEHNATKASH МЧЖ** | 20 | 622541874 | 20 | Экспертная | | |
| **"LAURA STAR" ХК** | 20 | Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома | 20 | Экспертная | | |
| **"BEK-TO'RA SULTON" MCHJ** | 20 | 649255650 | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО CHINOZ SARVAR FAYZ** | 683 427 000.00 | 649 255 650.00 UZS | 649 255 650.00 | 00.00 | 649 255 650.00 | 04.10.2022 11:48:46 | 19.1771 |
| **"LAURA STAR" XK** | 683 427 000.00 | 649 250 000.00 UZS | 649 250 000.00 | 00.00 | 649 250 000.00 | 06.10.2022 09:51:55 | 19.17726 |
| **MEHNATKASH МЧЖ** | 683 427 000.00 | 622 541 874.00 UZS | 622 541 874.00 | 00.00 | 622 541 874.00 | 05.10.2022 20:47:24 | 20 |
| **"BEK-TO'RA SULTON" MCHJ** | 683 427 000.00 | 649 255 650.00 UZS | 649 255 650.00 | 00.00 | 649 255 650.00 | 06.10.2022 09:58:27 | 19.1771 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО CHINOZ SARVAR FAYZ** | 80 | 19.1771 | 99.1771 |
| **"LAURA STAR" XK** | 77.5 | 19.17726 | 96.67726 |
| **MEHNATKASH МЧЖ** | 75 | 20 | 95 |
| **"BEK-TO'RA SULTON" MCHJ** | 70 | 19.1771 | 89.1771 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 156838 от 07.10.2022 года на приобретение Мевазор, Мезон, Навруз, Олтинобод, Файзли МФЙ ички кучаларини асфалтлаш определила победителем:

ООО CHINOZ SARVAR FAYZ
302945855

и резервный исполнитель: "LAURA STAR" XK (205572127)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XALDAROV SARDOR ASKARALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXAMATDJANOV FURKAT SHUXRATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MIRZAYEV AKMAL ABDUVALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SADOVNICHAYA VIKTORIYA VLADIMIROVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | YAKUBOVA TURG'UNOY RAVSHAN QIZI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**

**Янгийўл шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи**

**_____________ С.Халдаров**

**«_11_»_____10_________ 2022 йил**

**Б А Ё Н Н О М А**

**Раислик қилувчи: С.Халдаров- Ободонлаштириш бошқармаси раҳбари**

**Қатнашчилар: комиссия аъзолари**

(Т.Якубова, А.Мирзаев, Ф.Махаматжонов, В.Садовничая)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Янгийул шаҳар Мевазор, Мезон, Навруз, Олтинобод, Файзли МФЙ ички кўчаларини асфалтлаш бўйича**

2022 йил 07 Октябрдаги №156838- лот давлат ҳаридлари комиссиясининг электрон портали орқали шакилланган **“Янгийул шаҳар Мевазор, Мезон, Навруз, Олтинобод, Файзли МФЙ ички кўчаларини асфалтлаш бўйича**” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “CHINOZ-SARVAR FAYZ" MCHJ” корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги Қонунинг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чикиб ҳамда комиссия аъхоларининг 2022 йил 07 октябрдаги баённомасига асосан “CHINOZ-SARVAR FAYZ ” MCHJ корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб корхона билан қонунчиликга асосан шартнома райсмийлаштирилсин.

**Комиссия аъзолари:**

**_____________________ Т.Якубова**

**_____________________ Ф.Махаматджанов**

**_____________________ А.Мирзаев**

**_____________________ В.Садовничая**